



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (12.405)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Кеча «Ўзэкспомарказ» павильонларида «Энергетика–Power Uzbekistan – 2013» 8-халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Анжуман Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг расмий кўмағида ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон, Белоруссия, Германия, Ҳиндистон, Қозғистон, Хитой, Россия, Туркия, Украина, Франция ва Чехия каби давлатлардан олтишдан ортқ компания иштирок этмоқда.

– Ўзбекистондаги кўргазмаларда биринчи бор иштирок этишим, – дейди Ҳиндистоннинг «Tapchanger + Intank Tapchanger Division» корхонаси бош менежери

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Санжай Жагдале. – Юртингиз бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, хусусан, энергетика тизимида жадал ривожланмоқда. Биз бугунги кўргазмага оловдан Ҳимояланган трансформаторларимиз билан ташриф буюрдик. Бу ерда нафақат маҳсулотимизни намойиш қилмоқдамиз, балки энергия соҳасида эришилган сўнгги янгиликлар билан ҳам танишмоқдамиз.

«Power Uzbekistan-2013» стендларида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, иссиқлик билан таъминлаш соҳасидаги ишланмалар, энергияни ўзгартириш, узатиш ва тақсим-

лаш ускуналари, муқобил энергия манбалари, энергияни тежаш соҳасидаги энг янги ютуқлар, маиший мақсадларда қўлланиладиган иссиқлик, энергия, газ, сув ҳисобини юритиш ва назорат қилиш асбоблари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш қилинмоқда.

Экспозицияларнинг бу йилги майдони ўтган йилгисига қараганда 45 фоизга кенгайган, қатнашувчи компаниялар сони ҳам йигирматага кўпайган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, иштирокчиларнинг 19 фоизини юртимиз вакиллари ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЁШЛАР ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ

Инновациялар ижтимоий тараққиётнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, ишлаб чиқарилаётган товарлар турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, экологик тоза технологияларни жорий этишда кўплаб ижобий самаралар беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистонда инновацион тараққиёт жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилган. Шуниси эътиборлики, бу борада ёшлар алоҳида манфаатдорлигини намойиш қилиб, илм-фан оламига ўз лойиҳа ва ишланмаларини тақдим этмоқда.

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган «Маънавият ва маърифат» марказида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда бошқа олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Тадбирда инновацияларни ривожлантиришни рағбатлантирувчи асосий тармоқлардан бўлган енгил ва тўқимачилик саноати соҳасидаги инновация ишланмалари алоҳида эътибор қаратилди. Аънанавий ва эскирган технологиялар ўрнини кўп меҳнат сарф қилмасдан унумдорликка эришни, товарларнинг сифат стандартларини янада яхшилаш имконини берадиган янги технологиялар эгилламоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари давра суҳбати иштирокчиларини инновациялар соҳасидаги ўз ютуқлари билан таништирди. Хусусан, улар аралашма иплардан кўйлақбоп газламалар ишлаб чиқариш бўйича ресурс тежайдиган технологиялар, жумладан, қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган ускуналарни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизнинг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарлари, бетакрор табиати ҳамда бой маданияти дунё сайёҳларини ўзига кенг чорлаб келмоқда. Баҳор фаслининг тароватли кунларида юртимизнинг турли шаҳарларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

– Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари сайёҳликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди австриялик Тобиас ЭРМАН. – Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шахрисабз каби шаҳарларингиздаги бетакрор меъморий обидалар ва муқаддас қадамжолар дунё мамлакатларида кам учрайди.

Ўзбекистондаги меҳмонхона, ошхона ва ресторо-ларда хизмат кўрсатиш даражаси юқори. Бозорлардаги сархил мевалар табиийлиги ва фойдалилиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда ёшларнинг таълим олишга интилиши жуда юқори экан. Ўзбекистонлик ёшларнинг хорижий тилларни яхши билишини кўриб, бунга тўла амин бўлдим.

– Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида таълим соҳасида талабалар алма-шинуви йўлга қўйилгани яхши самаралар бермоқда, – дейди сингапурлик Тижу Сок ЙОНГ. – Ўзим ҳам бирга ўқиган ўзбек йигити билан қалин дўст бўлиб қолганман. Мамлакатингизга шу дўстимнинг таклифи билан келдим. Сафарим давомида ўзбек оилаларида меҳмон бўлиш, тўй маросимларида қатнашиш имкониятига эга бўлдим. Энг қувонарлиси, катта орзум ушалди. – Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдим. Самарқанд бежиз «Шарқ гавҳари» дея аталмас экан.

Дунёда бу шаҳарнинг гўзаллигидан, унинг мусаффо ҳавосиго зилол су-видан баҳраманд бўлиш-ни, бетакрор тарихий оби-даларини кўришни орзу қилмаган одам бўлмасе керак. Регистон мажмуа-си, Амир Темур мақбара-си, Мирзо Улўғбек расад-хонаси каби мўъжизалар-ни зиёрат қилишга му-шарраф бўлганимдан ғоят бахтиёрман. Мамлакатин-гизда тарихий, маданий бойликларни асраб-авай-лаш, миллий ҳунарманд-чиликни ривожлантириш-га улкан эътибор қари-лаётганига гувоҳ бўлдим. Бу ерда қоғоз тайёрлаш-нинг қадимий усули би-лан пишиқ ва сифатли қоғоз маҳсулотлари иш-

лаб чиқариш жараёнида ҳам қатнашдим. Тут да-рахти пўстлогидан тайёр-ланадиган бундай қоғоз-дан кийим-кечакдан то маиший буюмларгача тай-ёрланар экан. Самарқанд нонининг мазаси бир умр ёдимда қолади.

– Ўзбекистонга бундан ўн етти йил аввал ҳам келган эдим, – дейди испаниялик Гаспар КАБАЛЛЕРО. – Бу сафар Тошкентни кўриб, ҳайрат-га тушдим. Шаҳар қиёфа-сини тубдан ўзгартирган маҳобатли саройлар ва биноларни кўриб, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига қойил қолдим. Ташрифим давомида Хивани ҳам зи-ёрат қилдим ва бу шаҳар чиндан ҳам очиқ осмон остидаги музей эканига амин бўлдим. Орадан шунча кўп вақт ўтганига қарамай, бу мафтункор шаҳар асл қиёфасини йўқотмагани ҳар қандай сайёҳнинг ҳавасини кел-тириши табиий. Мамлака-тингизда меҳмонхона биз-неси юқори суръатларда тараққий этаётганига гувоҳ бўлдим. Нафақат катта шаҳарларда, балки узоқ туманларда ҳам за-монавий меҳмонхоналар бунёд этилиб, сайёҳларга сифатли хизмат турлари тақлиф этилмоқда.

– Тарихчи бўлганим учун қайси мамлакатга бормай, унинг мадания-ти, аънаналари, меъмо-рий обидалари ва шаҳар-лари тарихини ўрганишга интиламан, – дейди аме-рикалик Колин БЕКЕР. – Мисол учун, «Тошкент» сўзи қадимий туркий тил-да «феруза» маъносини билдирар экан. Атаманинг шу луғавий маъносидан келиб чиқиб, Тошкентни «феруза шаҳар» дейиш мумкин. Тошкент, ҳақиқатан ҳам, ўз номига муносиб шаҳар экан. Бу ерда қад ростилаган за-монавий биноларда меъ-морчиликнинг миллий ва замонавий услублари юк-сак дид билан уйлунлаш-тирилганини кўрдим. Ўзбек халқининг улкан бунёдкорлик салоҳияти шаҳар инфратузилмаси-да, майдонлар мажмуи-да, уй-жойлар қурилиши-да ўзининг яққол ифода-сини топган.

Мадина УМАРОВА
ёзиб олди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сурхондарё вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари), уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мас-лаҳатчилари, масъул котиблари, «Маҳал-ла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари учун ўқув-семинарлар бўлиб ўтмоқда.

• Қашқадарё вилояти миришкорлари мўл пилла ҳосили олишни мўлжаллаган. «Пилла» худудий бирлашмасидан олин-ган маълумотларга кўра, бу йил вилоят пиллачилари 51 минг 400 қути ипак курти парваришлаб, 3084 тонна қиммат-ли саноат хомашёси тайёрлайди.

• Жиззах вилоятида йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъектлари ишти-рокида худудий саноат ярмаркаси ва ко-операция биржаси ўтказилди. Ярмарка давлатимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, саноат корхо-наларида амалга оширилаётган модер-низациялаш жараёнлари самарасида кўплаб янги турдаги маҳсулотлар иш-лаб чиқарилаётганини кўрсатди.

• Самарқанд шаҳрида халқаро флора-чилар семинари бўлиб ўтди. «Ўзбекис-тон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Флорачи-лар миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Кўҳна Самарқанд – фе-руза осмон каби мовий илҳом бўлоғи» мавзусидаги мазкур семинарда юртимиз флорачилари билан бирга бир қанча хорижий ижодкорлар ҳам қатнашди.

• Деҳқонobod туманида энергия те-жовчи электр лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли цехга хориж-нинг замонавий технологияси ўрнатил-ди. Эътиборли томони шундаки, ушбу етти хил тежамкор чироқларнинг ишлаш муддати ўн минг соатгача бўлиб, оддий лампалардан саккиз баробар кўп хиз-мат қилади.

ЖАҲОНДА

• Еврохудудга кировчи мамлакатлар-нинг молия вазирлари Кипр ва Грецияга молиявий ёрдам ажратиш масаласи-ни кўллаб-қувватлаш учун Бельгия пой-тахти Брюсселда учрашишга келишиб олдилар. Унда Кипр дастлабки 3 мил-лиард евролик кўмакни мамлакат иқти-содиётини қутқариш учун Европа Итти-фоки ва Халқаро валюта жамғармаси то-монидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига олади.

• Буюк Британияда учувчисиз йўлов-чи самолётнинг дастлабки синов пар-вози бўлиб ўтди. Бунда парвоз чоғида самолёт ердаги хизматларнинг сигнал-лари орқали бошқариб турилди. Синов парвозини British Aerospace Jetstream минтакавий самолёти Ланкашир граф-лигидан Шотландияга амалга оширди.

• Еврокомиссия банкларнинг ягона маълумотлар базасини ташкил этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрла-моқда. Ундан нафақат омонатчиларнинг исми-шарифлари ва компанияларнинг номлари, балки улар олиши лозим бўлган дивидендлар, қўйилмалар бўйи-ча фоизлар ва бошқа даромадлар ҳам ўрин олади.

• Кеча Бразилия полициячилари то-монидан гиёҳвандлик моддалари контра-бандаси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ томонидан самолётда 230 кило-грамм кокаин моддаси олиб кетилиши-нинг олди олинди. Қизиги шундаки, жи-ноий гуруҳ фаолиятига барҳам бериш учун полициячилар мамлакатнинг жану-би-шарқий қисмидаги Санта-Витория шаҳридан самолётнинг парвозга чоғла-ниши пайтида ҳеч қандай хавф-хатар-дан кўрқмаган ҳолда уни ўз автомобил-лари билан шикастлашга муваффақ бўлганлар.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **14-16 МАЙ** кунлари «Наврўз» саройида иккинчи Халқаро ихтисос-лашган «FoodExpo – озиқ-овқат маҳ-

сулот, ичимликлар, ускуналар, қадоклаш ва ишлаб чиқариш техно-логиялари» ва «AgroExpo – қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари» кўргазма-лари бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги «International House Tashkent» ака-демик лицейида «Менинг бизнес-гоям» танловининг III босқичи ўтқа-зилди.

✓ **БУГУН** Миробод туманида жойлашган енгил саноат касб-хунар коллежида «Энг намунали оила» мавзусида маънавий-маърифий тад-бир ташкил этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузалари асосида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тасдиқланган эди.

Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири деб белгиланган. Бунда биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бу «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган таъминли ҳаётимизга янада кенгроқ жорий этишни аниқлатади.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, жорий йилнинг 22 апрель куни унинг янги таҳрири тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу Қонуннинг аввалгиси билан ўртасида бирмунча фарқлар бор, унда қатор янгиликлар жорий этилган. Энг аввало, олдинги Қонун 29 та моддадан иборат бўлган бўлса, эндиликда ундаги моддалар сони 33 тани ташкил этади.

Шунингдек, аввалги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг 6 та асосий принциплари қаторига яна 4 та янги принцип қўшилди. Булар: қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборат (5-модда).

Қонунда белгиланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари» деб номланган 6-моддада маҳалланинг тузилиши, бирлаштирилиши, бўлиниши, чегараларининг белгиланиши олдинги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилар эди.

Эндиликда ушбу вазифалар ҳамда маҳаллага ном бериш ва номини ўзгариштириш маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қонуннинг 7-моддаси янги таҳририда «Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратида, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларини амалга оширишда уларга қўмақлашадиган», дейилади. Аввалги Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари санаб ўтилган бўлиб, эндиликда бу вазифа барча «давлат органлари» зиммасига юклатилди.

Аввалги Қонунга кўра маҳалла фуқаролар йиғинлари, кенгаши, комиссиялари, тафтиш комиссиялари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этган бўлса, эндиликда бутун фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади.

Шу каби, эндиликда учта тузилма, яъни фуқаролар йиғини кенгаши, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини органлари ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу органлар давлат ҳокимияти тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади (8-модда).

Қонуннинг 9-моддаси ҳам янги таҳрирда қабул қилинди ва унга асосан фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ҳамда унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади.

Янгилик шундан иборатки, фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади.

Қонуннинг 10-моддаси фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга бағишланиб, унга кўра фуқаролар йиғинининг ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритиши белгилаб қўйилди. Ушбу низомда қандай маълумотлар акс эттирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Шу жумладан, Низомда раис ва унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, посбонлар раҳбарининг, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг ваколатлари кўрсатилиши керак. Намунавий низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қонуннинг энг муҳим моддаларидан бири, бу — 11-моддадир. Чунки, унда шахарча, қишлоқ, овул ва шахардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари мустақамлаб қўйилган. Йиғин эндиликда бир қатор янги ваколатларга эга бўлди ва у:

— аҳолининг ижтимоий ноқор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадлар учун марказлаштирилган тарзда ажратиладиган давлат маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

— тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари таъминлини, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан хизмат кўрсатиш, иморатлар куриш, ҳудудларни сақлаш, ерлардан фойдаланиш борасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

— тадбиркорлик субъектлари ва оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда қабул бўлади;

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, сартароҳоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устаконалар, халқ хунармандчилиги цехларини ва аҳолига маъий хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этади;

— давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилаларга никоҳ ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади.

Қонуннинг 13-моддаси фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатларига бағишланган бўлиб, унинг йиғин қарорларини бажариш ва йиғин оралиғидаги даврда фаолият юритиши белгиланган.

Ушбу моддага киритилган янгиликлар шундан иборатки, эндиликда кенгаш таркибига йиғин раиси, унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони раҳбари кириши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, кенгаш ваколатлари қаторига бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса фуқароларни, пенсионер ва ногиронларни аниқлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Фуқаролар йиғинида раис (оқсоқол) вазифаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Қонуннинг 14-моддасига кўра у нафақат йиғинни чақиради, балки масъул котиб, комиссиялар раислари ва аъзолари номзодини йиғинга тақдим этади. Энг муҳими, раис (оқсоқол) фуқаролар йиғини ва унинг органлари қарорлари ижро этилишини ташкил этади.

Асосий янгиликлардан бири шундаки, эндиликда раис (оқсоқол) спиртли ичимликлар, гивандлик воситаларини суиистеъмол қилиши натижасида фуқаронинг муомалага лаёқати чекланган деб топиш, руҳий касалларни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида судга ариза бериши мумкин.

Қонуннинг 16-моддаси жамоатчилик назоратига бағишланди ва уни амалга ошириш шакллари белгилаб қўйилди. Булар қаторига тегишли ҳудудда қонунлар ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, тегишли чоралар қўриш учун давлат органларига мурожаат этиш, уларга сўровлар юбориш ва ҳоказо.

Энг муҳими, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўмақлашиши ва уларнинг мурожаатлари бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қўриши шартлиги белгилаб қўйилди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Қонуннинг 17-моддаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмақлашиши» деб номланди ва бу мақсадлар учун маслаҳат марказлари ташкил этилиши кўзда тутилди.

Эски Қонундан фарқи равишда Қонуннинг янги таҳрири 18-моддасида асосий йўналишлар бўйича 8 та комиссия номилари санаб ўтилди.

Булар қуйидагилардир:

- яраштириш комиссияси;
- маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;
- хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;
- воғая етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;
- тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;
- экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш бўйича комиссия;
- жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Бинобарин, тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғинида бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Комиссияга раҳбарлик қилиш фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Комиссия аъзоларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Маълумки, тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади. Эндиликда тафтиш комиссияси аъзоси фуқаролар йиғини бошқа органи аъзоси бўла олмайд.

Шуни эътиборга олиш керакки, барча комиссиялар тўғрисида намунавий низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, низомларни фуқаролар йиғини тасдиқлайди.

Қонуннинг 24-моддасида фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатишнинг асослари санаб ўтилган. Аввалги Қонунда 4 та асос кўрсатилган бўлса, эндиликда улар қаторига яна 4 та янги асослар қўшилди. Булар:

- фуқаролар йиғини раиси ахлоқ, одоб нормаларини қўпол равишда бузувчи, раис мақомини бадном қилувчи ва йиғин обрўсига путур етказувчи ноҳўй ишлар содир этган, шунингдек ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда йиғин (вакиллар йиғилиши) томонидан қарор қабул қилинганда;
- суднинг қарори бўйича у бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинганда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
- соғлиги ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;
- вафот этганида унинг ваколатлари тугатилади.

Қонуннинг 26-моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига оид бўлиб, уларнинг мулки дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади, деган янги жумла билан тўлдирилди.

Ушбу моддага киритилган муҳим янгиликлардан бири шундаки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари коммунал хизматлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиши мумкин.

Қонуннинг 27-моддасига кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари банк ҳисобварақларидаги маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил тасарруф этади ва ушбу молиявий маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Қонуннинг янги таҳрири «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига солиқ солиш», деб номланган янги 28-модда билан тўлдирилди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига нодавлат нотижорат ташкилотлари учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.

Шу ўринда, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан мазкур қонун ижроси устидан олиб борилаётган прокурор назорати тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўтказилган текширишларда асосий эътибор маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида қонунийлики таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ишларининг самарадорлигига қаратилмоқда.

Албатта, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида кўп самарали ишлар олиб боришмоқда.

Шу каби, бирга, ижтимоий нафақаларни ҳолис ва одилона тайинлаш, бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш борасида жиддий қўнунбузилишларга йўл қўйилганлиги, фуқаролар йиғинлари раислари томонидан уларнинг талон-тароҳ қилиниши ҳолатлари ҳам мавжуд.

Масалан, Сергели туманидаги Хабибий маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган текширишда МФЙ раиси ва котиби томонидан ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали жами 3 млн. сўмлик нафақа ва моддий ёрдам маблағлари талон-тароҳ қилиниб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказилганлиги аниқланган.

Шу каби, Ҳамза туманидаги «Илтифот» МФЙ раиси жами 4 млн. сўмлик моддий ёрдам пулларини, Чилонзор туманидаги «3-Катта Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва котиби 6 млн. сўмлик маблағларни талон-тароҳ қилганликлари учун суд ҳукмларига асосан жиноий жавобгарликка тортилди. Бектемир туманидаги «Бинокор» МФЙ масъул котибаси эса «Халқ банки» филиали шохбчасининг бухгалтер-назоратчиси билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқароларга жами 19,8 млн. сўмлик ноқонуний нафақалар тайинланганига эришганликлари учун суд ҳукми билан ушбу шахсларга тегишли жазо чоралари тайинланган.

Афсуски, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида яна бошқа қўнунбузилишлар, ўз ишига лоқайдлик, хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараш ҳолатлари кўпайиб учрамоқда. Ўтган йил ва шу йилнинг ўзида прокуратура органлари томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида аниқланган қўнунбузилиши ҳолатлари юзасидан жами 250 тага яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилганлиги, прокурорларнинг қарорлари ва тақдирномалари бўйича 70 нафарга яқин ҳодимлар интизомий жавобгарликка тортилганлиги ва энг ачинарлиси, жами 22 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилганлиги фикримиз далилидир.

Ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ва шаҳримиз санитария ҳолатини яхшилаш бугун пойтахтимиз ҳаётининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Намунали маҳаллаларнинг барпо этилиши, уларни обод қилиш борасида кўп ибратли ишлар қилинаётганлиги қувонарли, ҳол албатта. Бироқ, прокурор назоратини амалга оширишда чиқиндиларга тўла, бетартиб ҳудудлар ҳам аниқланмоқда. Бу нафақат ўша жойдаги санитария қоидаларининг бузилишидан далолат беради, бундай ачинарли аҳволга қараб бефарқ одамларга ҳам баҳо бериш мумкин.

Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, ҳукумат томонидан қўйилаётган вазифалар ижросини таъминлаш, сектор ва округларда ишларни тўғри ташкиллаштириш ҳамда ҳодимларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан амалий ёрдам тариқасида ўтган йили «Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида амалга оширилаётган комплекс тадбирлар ижросини назорат қилиш китоби» ишлаб чиқилган эди. Мазкур китобнинг маҳалла фуқаролар йиғинларида жорий этилиши йиғин раиси ва маҳаллага бириктирилган бошқа масъул шахсларга топширилган вазифалар бажарилишининг мониторинг қилиниши, тизимли равишда текшириб турилиши ҳамда улар жавобгарлигининг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги ҳамон қўриқчилча қолмоқда, бу эса коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фойдаланилган иссиқлик, газ ва электр таъминоти каби инсониятга берилган неъматлар учун ҳақ тўламаслик бизнинг кадрларимизга ҳамда миллий мафкурамизга тўғри келмайди. Маҳалла комиссиялари ўз ишларини қайтадан кўриб чиқишлари, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиришлари, давлат қорондилари билан биргаликда жамоатчилик назоратини ўрнатишларининг вақти келди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллада тадбиркорликини ривожлантириш, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш асосида янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамият касб этади. Янги Қонун бу борада бир қатор имкониятлар берапти ва улардан самарали фойдаланиш зарур.

Бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна солиб турган ёмон иллатлар бор. Диний экстремизм, гивандлик, одам савдоси, фоҳишалик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида ташвиқот ва тарбиявий ишларнинг кучайтирилиши, жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ўз самарасини бермай қолмайди.

Энг муҳими, ушбу Қонун талабларини ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат қилаётган барча шахслар яхши билгишлари, унга қатъий итоат этишлари зарур. Бу Қонун барча учун мажбурий, унинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш борасида давлат органлари олдида ҳам катта вазифалар юклатилган. Ўзини ўзи бошқариш органларига берилган ваколатларни, албатта, фақат ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда амалга ошириш мумкин.

Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш».

— **Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорлиқни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;

— мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга қўмақлашиш, асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

— ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларининг ободонлаштириш борасидаги ишларнинг қўламини янада кенгайтириш;

Танловда катнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианты funduz.parliament.gov.uz; fundngo.parliament.gov.uz электрон манзилига;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант микдори - 15 млн. сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин. Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, янги ишланмалар ва илгор технологияларни жорий этиш халқор алоқаларни мустақамлаш ҳамда янги капитал қўйималар ва инвестицияларни жалб этиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда энергетика тизимини такомиллаштириш ва мукўбил энергия манбаларини жорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йилда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимида умумий қиймат 3,832 миллиард сўмин ташкил этувчи 26 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Энергия сарфини мукўбиллаштириш ва оқилона ташкил этиш бўйича мамлакатимиз энергетика соҳасида амалга оширилаётган дастур ишлаб чиқарувчиларнинг иштирок этиши учун рағбат бўлмоқда. Юртимизда мукўбил энергия манбаларидан ва аввало қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ҳамда экспериментал тадқиқотлар олиб боришмоқда. Мазкур йўналиш «Мукўбил энергия манбалари» бўлимида намоийш этилаётир.

— Бугунги кунда корхонамизда 5 ваттдан 10 кВтгача бўлган қуёш батареялари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди «Solar Energy Products» масъулияти чекланган жамияти директори Дилшод Шодмонқулов. — Бизнинг махсулотларимиз чет элликдан тубдан фарқ қилади. Фарқи шундаки, тайёрлаётган батареяларимиз республикамизнинг барча вилоятлари иқлим шароитига тўла мос келади ва юқори самара бермоқда. Бугунги тадбир биз учун махсулотларимизни намоийш қилиш билан бирга республикамиз ва чет элдан келган олимлар, мутахассислар ва шу соҳага қизиқувчилар билан фикр алмашиш ва келажақда ҳамкорлик қилишга яхшигина имконият яратмоқда.

Ушбу бўлимда мамлакатимиздаги қуёш батареялари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Premium Technics», «Cagatay-Invest», «Solar Energy», шунингдек «Baoding Tianwei Baobian Electric», «Power suntech» каби хорижий компаниялар ўз махсулотлари билан катнашмоқда.

Иштирокчилар

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш, бой тарихимизни, серкйрра маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган бетакрор санъатимизни, хусусан, миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва жаҳон узра кенг тарғиб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.



ринчи ўрин соҳибаси Нодира Пирматова. – Фестиваль кунларида Самарқанд янада чирой очгани, барча иштирокчилар Самарқандда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Санъат чегара билмайди, деганларидек, фестиваль қатнашчилари сони тобора ортиб, янги номлар кашф этилаётир. Ушбу мусиқа анжуманида ер юзининг турли минтақаларида бой тарихий-миллий мусиқа ва қўшиқчилик анъаналарини асраб-авайлаб, давом эттириб келаётган ижодий гуруҳ ва ансамбллarning ўз дастурлари билан иштирок этаётгани ҳам аҳамиятлидир.

«Шарқ тароналари — 2013»

ЯНА ЯНГРАР ЭЗГУЛИК НАВОСИ

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари истиқлол йилларида мамлакатимизда, хусусан Самарқанд шаҳрида тарихий обидаларини сақлаш ва таъмирлаш, уларни келгуси авлодларга безавол етказиш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш борасида олиб борилаётган оламшумул ишлар билан танишиш имконига эга бўлмоқдалар. Уларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг гўзал қиёфаси, юрдошларимизнинг бағрикенглик, меҳмондўстлик, саховатпешалик фазилатлари ўчмас таассурот қолдираётир.

Фестиваль доирасида ташкил этиладиган халқаро анжуманларда иштирокчилар миллий санъатимизнинг тарихи ва анъаналари, бугунги кундаги ривож билан яқиндан танишадилар. Илмий конференция, мил-

лий чолғу асбоблари, фотосуратлар, хунармандчилик буюмлари кўргазмалари орқали халқимизнинг бой миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлади.

Фестиваль иштирокчи ва меҳмонлари ҳар гал Самарқанддаги дунёга машҳур обидалар ва муқаддас қадамжолар, мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, бог ва ҳибонларни кўриб, Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қисқа вақтда асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этадилар. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилаётгани, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб вояга етишларига хизмат қиладиган кўплаб замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатаётгани фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдиришмоқда.

Миллий анъаналар ва замон руҳини ўзида мужассам этган ушбу санъат байрами ер юзидagi турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилишлари намоён бўладиган, инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка қорлайдиган эзгулик минбарига айланади. Миллий мусиқа санъатимизга бутун жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганида ҳам ушбу нафосат ва санъат байрамининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали яна жаҳонроқ машҳур санъат намоёндаларини Самарқандга қорлайди. Шарқ гавҳари, ер юзининг сайқали, деб эътироф этилган қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда санъат ихлосмандлари жаҳон халқаро мусиқа санъатининг ёрқин намуналари билан танишади.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Бугунги кунда «ойна жаҳон» турли хил ранг-баранг кўнгилочар қўрсатувлар билан бойиб бормоқда. NTT канали орқали эфирга узатилаётган Comedy.UZ лойиҳаси ҳам бир йил ичида ўзининг ичакузди ҳангомалари, қизиқарли чиқишлари билан ёшлар орасида ўз мухлисларига эга бўлди, десак янглишмаймиз.

COMEDY.UZNING СЕРМАЗМУН ВА ҚИЗИҚАРЛИ ЛОЙИХАСИ

Comedy.UZ лойиҳаси 2011 йилнинг октябр ойида ташкил қилинган бўлиб, эфирга 2012 йил 29 январдан NTT телеканали орқали узатила бошланди. Фаолият юритаётган гуруҳлар 10 тани ташкил этади. «Хасан ва Хусан», «Гап йўқ», «Қошма-қом», «Олим ака», «Арсен», «Нобель», «Ва бошқалар», «Умид Ашуров», «Расул 24», «Ислон Али» шулар жумласига киради.

— Бизнинг лойиҳамизни кўнгилочар қўрсатув, юмористик концерт, бундан ташқари шоу элементлари борлиги сабабли шоу дастур деб ҳам айтиш мумкин, — дейди Comedy.UZ лойиҳаси муаллифи Абдор Бахтияров. — Бир сўз билан айтганда, лойиҳа ҳам бўлиши мумкин, ҳам концерт дастури муҳассамлашган. Саҳнада фаолият олиб борадиганларнинг барчаси яқинлиқ билан сценарийлар устида бoш қотиради. Албатта барча саяҳат-ҳаракатларимиз лойиҳамизнинг ранг-баранг бўлиши, асосийси эса мухлисларнинг қалбидан жой олишига қаратилган. 7 дан 70 ёшгача манзур бўладиган чиқишларимизни илиқ қутиб олишадиганидан хурсандимиз. Лойиҳамизда катталарга, оилавий кишиларга, бўйдоқларга, шоу-бизнес вакилларига тааллуқли мавзулар мавжуд. Жамиятдаги салбий иллатларни кулги орқали намоён этиб, уни кўрганлар бундан тўғри хулоса чиқишларига ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бош ҳамкоримиз Рерси ва Dekos.uz савдо белгилари, КВН жамоалари ассоциацияси, ахборот ҳамкорларимиз — «Орият доно», «Ўзбегим таронаси»

радиоканаллари ва NTT телеканали ёшларга кенг имконият яратиб бераётганидан жуда миннатдоримиз.

— Comedy.UZ лойиҳаси ўзининг бир йиллигини кенг омма, мухлислари билан нишонлаш истагида, — дейди Comedy.UZ лойиҳаси муҳаррири Азамат Джалолов. — Концертида қутилмаган совғалар тайёрланган. Албатта буни мухлисларнинг ўзлари концерт давомида баҳолашади. Концертига киришдан олдин ҳам «сюрприз»лардан баҳраманд бўлишди. Уларнинг дастурининг ичида ҳам қутилмаган воқеалар қутилиши таъкидламоқчи эдим. Бошқа концертларга ўхшамасдан дастур бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Ранг-баранг чиқишлар албатта барчаннинг қайиғини кўтарди. Янги ва мухлисларга манзур бўлган, бундан ташқари ҳали эфир юзини кўрмаган чиқишларни фақатгина концертта ташиф буюрганлар кўриш имконига эга. Айрим концертлардаги чиқишлардан ёнингиздаги яқинингиздан уялиб қолиш ҳоллари ҳам баъзан учраб туради. Бизнинг дастуримизда бундай нарсалар бўлмайди, деб ишонч билан айта оламиз. Концертига бир йил давомида тайёрларлик кўрдик ва у икки селансда бўлиб ўтади.

Азиз ҳамшаҳарларимизни шу йилнинг 21 май куни «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтадиган бир йиллик саяҳат-ҳаракатларимиз махсули бўлмиш Comedy.UZ лойиҳасининг байрам дастурига таклиф этиб қоламиз. Келинг, кўринг, концертдан завқ олинг, азизлар!

Зиёда РАСУЛОВА



МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРИ

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни катта. Бунда «Маҳалла» фуқаролар йиғини раислари ва фаолларининг дунёқараши ва бой тажрибага эга бўлиши жуда муҳимдир.

Жумладан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида маҳалла идораларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири янада кучайтириш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Бунда маҳалла фаолларининг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган ўқув-семинарлар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Унда мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари иштирок этмоқда.

Шаҳримизда ҳам ана шундай уч кунлик ўқув-семинарлари бўлиб ўтмоқда. Ўқувнинг биринчи кунда икки минг нафарга яқин маҳалла фаоллари қатнашди.

Кеча Миробод туманидаги компьютер технологиялари коллежида фуқаролар йиғини раислари, уларнинг масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбарларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар бошланди. Миробод туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур туман бўлинмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирда тумандаги 39 та маҳалланинг 140 га яқин мутахассис раҳбарлари иштирок этмоқда.

Ўқув-семинарнинг биринчи ва иккинчи кунларида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эриштиш оstonасида» номили китоблари ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-

қаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», «Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг асосий йўналишлари ҳамда унинг бажарилиши таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари, яқинда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмун-моҳияти, маҳалла хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида фуқаролар йиғинлари фаоллари олдида турган долзарб вазифалар ва маҳалла фаолларининг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган мавзулар юзасидан маърузалар тингланди. Тадбирнинг учинчи кунда эса фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбарлари ўқилган маърузалар юзасидан ўз йўналишлари бўйича тест синовларини топширадилар.

— Хабарингиз бор, жорий йилнинг октябр-ноябрь ойларида барча маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг ёрдамчилари қайта сайланади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Миробод туман бўлими масъул котиби Нилуфар Артикова. — Бинобарин, ушбу ўқув-семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад маҳалла оксоқоллари ва фаолларининг тайёргарлигини кучайтириш, уларнинг соҳага оид билимлари ўзлаштириш қобилиятларини текширишдан иборат.

Маҳалла фаолларининг ўқув-семинарлари шахримизнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Отабек ОТАЕВОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 18 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2012 йил 18 июндаги 10-1210/12458-6-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шохқўчаси, 47-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3 308,0 м.кв. бўлган нотурар жой биноси савдога қўйилган. Бошланғич нархи — 549 439 000 сўм.

II. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий ер майдони 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли 2 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич нархи — 70 160 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 3-уй, 19-хонадонда жойлашган, умумий майдони 84,34 кв.м., умумий яшаш майдони 38,57 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 161 435 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шохқўчаси, 24-уй, 39-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,79 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 95 251 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 3 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

2013 йил 4 июнь куни соат 11:00 да ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 м.кв., фойдаланиш майдони 115,24 м.кв. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич нархи — 193 571 000 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 31 майдаги 1-32/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик-1 мавзеси, 23-а-у-й, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,22 м.кв. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 40 115 000 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 77-уй, 47-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,87 м.кв., яшаш майдони 28,97 м.кв. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 115 960 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Уллубек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Тошкент шаҳар Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидидаги умумтаълим мактаб ошхоналарида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича тендер эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Массон кўчаси, 3.

Мурожаат учун телефонлар: 257-20-93, 258-24-16

Шайхонтоҳур тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 18.04.2007 йил №1811 — 09 рақами билан рўйхатдан ўтган «Кони-илм» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 20054473) ўз фаолиятини давом эттираётганлиги ҳақида маълум қилади.

Давьолар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, Дучор берк кўчаси, 12А-уй манзили орқали қабул қилинади. Тел: 568-90-67

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзга келганда тезкор чора-тадбирлар қўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти



Сараар Урмонов (ЎзА) олган суратлар

Шаҳримиздаги «Машҳура» ўқув марказида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг маънавият ва маърифат бўлими, хотин-қизлар ташкилоти, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ва ўқув маркази томонидан «Глобаллашув шароитида миллийлик ва ўзликни сақлаб қолишда ёшларнинг маънавияти, кийиниш маданияти» мавзусида тадбир ташкил этилди.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Унда ТошДТУ ректори, профессор Равшан Саидахмедов, университетнинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар бўйича проректори профессор Саидхон Саидолимов, илмий ишлар бўйича проректор профессор Карима Норкулова, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири профессор Раҳбархон Холиқова, «Машҳура» ўқув маркази раҳбари Машҳура Юсупова ва бошқа ўқитувчилар, талабалар сўзга чиқиб, баркамол авлод тарбиясида дастуруламал сифатида хизмат қилаётган Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, глобаллашув шароитида ёшларнинг мутахассисликларни эгаллашлари билан бир қаторда миллийлик ва ўзликни сақлаб қолишда кийиниш маданияти, хусусиятлари, талаблари, меъёрлари, унинг жамоа ва давр талабига мос ҳолда бўлиши, жамиятда, оилада ўз ўрнини топадиган, ахлоқан етук, шарм-ҳаёли, ибодли, ор-номусли, виждонли, шарқона урф-одатларимизга хос инсоний ахлоққа эга бўлган Ватанга садоқатли, она-Ватан ва халқнинг ҳимоясига доимо тайёр бўлган ко-

мил инсон бўлиб шаклланиши ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбирда ТошДТУнинг «Педагогика ва психология» кафедраси мудири, доцент Малоҳат Аҳмедованинг «Аёлларнинг маънавий қиёфаси, ўтмиш ва бугун: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги тақдироти, «Машҳура» ўқув марказининг ўзбек миллий либослари кўргазмаси бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Талабалар ўзларига сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти, ҳаётда ибратли бўлишлугига, маънавияти, дунёқарашига бефарқ эмас, — дейди биз билан суҳбатда университет хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Тўтихон Мухторова. Давра суҳбатда бу масалага эътибор берилгани ҳам бежиз эмас. Талабалар билан турли учрашувлар, мулоқот, савол-жавобларда кузатишларимиздан маълумки, юксак маънавият, сўз ва иш бирлиги ёшларни руҳлантиради.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Архивлар фаолиятидан

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ — ЭРТАНГИ КҮН КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 апрелдаги «Касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ўқувчилар учун ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳар Давлат архивида Ўзбекистон Республикаси Миллий университети талабалари, Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи, 255-мактаб битирувчилари, шунингдек, архив соҳасида кўп йиллар давомида фаолият юритиб келган нафақадаги ходимлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги ходимлар иштирок этди.

Давра суҳбати доирасида ишга жойлаштириш юзасидан меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди ва унда Ўзбекистон Миллий университети 4-босқич битирувчи талабалари билан уч томонлама шартнома имзоланди ҳамда иш билан таъминланиши кафолатланди. Шунингдек, Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежидан тўрт нафар ўқувчи ишлаб чиқариш амалиётига жалб этилди ва амалиёт шартномаси имзоланди.

Тадбирда ёш мутахассисларни ишга жалб этиш, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш истиқболлари тўғрисида мунозаралар муҳокамалар бўлиши билан бирга, иштирокчилар учун Тошкент шаҳар Давлат архив-

нинг замонавий жиҳозланган архив сақловхоналари ва уларда амалга оширилаётган архив ҳужжатларини таъмирлаш ҳамда архивда сақланаётган матни сўниб бораётган қоғоз асосидаги ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон сугурта нусхаларини яратиш ишлари намойиш этилди. Сугурта нусхаларини яратишдан асосий мақсад қоғоз асосидаги асл ҳужжатларнинг умрини узайтириш, уларга зиён етказишнинг олдини олиш, муқофат этувчи фуқаро, илмий иш олиб боровчи тадқиқотчиларга қулайликлар ташкил этишдан иборатлиги тадбир иштирокчиларига амалий фаолиятлари билан биргаликда кўрсатилди.

Давра суҳбати якунида уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар Давлат архив директори

Спорт янгиликлари

МЕРГАНЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чилонзор туман бўлими базасида 4,5 килобрили пневматик тўппончадан нишонни пойлаш бўйича очик турнир ташкил этилди.

Унда турли ёшдаги кишилар ўзаро куч синашди. Мусобақада «Динамо» жамияти, «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган эркаклар ва аёллар шугулланадиган «Сокол» спорт клуби вакиллари иштирок этишди. Турнир қатнашчилари олдига юз имкониятдан камда етмишга очко жамғариш вазифаси қўйилди. Ана шундагина улар мусобақада иштирокни давом эттирадilar.

Турнирда қатнашаётган қизлар орасида спорт усталигига номзод Покиза Мирзаева эллик уч очко жамғаргани ҳолда энг яхши натижага эришиб, умумий ҳисобда учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Эркаклар ўртасида эса етмиш беш очко тўплаган спорт усталигига номзод Владимир Свешников хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасини билан этган бўлса, етмиш уч очко билан Азизбек Ёсонбоевга иккинчи ўрин насиб этди. «Сокол» жамоасида эса эркаклар ўртасида саксон тўрт очко жамғарган халқроқ параолимпия ўйинлари иштирокчиси Александр Солдаткин энг юқори натижа кўрсатди.

Мусобақа дўстона вазиятда ўтди, турнирда илк бор қатнашаётганлар бўлганлиги учун ҳар бир иштирокчига тажрибали спортчи бириктириб қўйилди. Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги 1/8 финал беллашувларининг дастлабки учрашувлари якунига етди.

КУБОК БЕЛЛАШУВЛАРИ

Кубок баҳсларида профессионал футбол лигаси ҳамда биринчи лига жамоалари ўзаро куч синашди.

Унда куйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» —

«Навбахор» — 2:1, «Қизилқум» — «Локомотив» БФК — 4:0, «Қўқон - 1912» — «Локомотив» — 1:2, «Нефтчи» — «Истиқлол» — 1:0, «Гулистон» — «Олмалик» — 2:0, «Насаф» — «Шўртан» — 2:0.

ЎСМИРЛАРИМИЗ СИНОВДАН ЎТИШАРМИКАН?

Келаси йили футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати финал босқичи саралаш баҳслари Таиландда бўлиб ўтади.

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Осиё чемпионати финал босқичи саралаш баҳсларидаги гуруҳларда қайси терма жамоалар кураш олиб бориши маълум қилинди.

Унга кўра Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «В» гуруҳида Фаластин, Яман, Мальдив ороллари жамоаларига қарши ғолиблик учун куч синашди. Саралаш баҳсларининг «В» гуруҳига ғарб минтақаси етакчиларидан бири сифатида Ўзбекистон мезбонлик қиладиган бўлди.

Осиё чемпионати йўлланмасини кўлга кириштириб якунда чемпионатнинг энг кучли тўртлигидан ўрин эгаллаган ўсмирлар терма жамоалар 2015 йили Чехияда уюштирилаётган жаҳон чемпионатида ўз мамлакатлари шарафини ҳимоя қилдилар.

Жорий йилнинг 18-28 сентябрь кунлари Хитойда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақаси бўлиб ўтади.

ҚИЗЛАРИМИЗ ХИТОЙГА БОРИШАДИ

Унда иштирок этадиган Гулнора Аъзамова бош мураббийлигидаги ўсмир қизлар терма жамоамиз «С» гуруҳида Таиланд, Жанубий Корея қизлар терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Хитойдаги Осиё чемпионати финал босқичида 12 та терма жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун курашади. Осиё чемпионатида кучли учликдан ўрин эгаллаган терма жамоалар эса келгуси йили Коста-Рикада уюштирилаётган ўсмир қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга кирилади.


ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида кейинги йилларда хотин-қизлар ўртасида тез-тез спорт мусобақалари уюштириш одатий ҳолга айланди.

Куни кеча «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси спорт мажмуасида хотин-қизлар ўртасида спартакиада мусобақалари ташкил этилди. «Соғлом она — соғлом бола» шиори доирасида уюштирилган беллашувларда турли вазирилик жамоалари волейбол, стол тенниси, бадминтон, гимнастрада бўйича мусобақаларда ғолиблик учун ўзаро беллашилди. Мурасиз курашларга бой, қизиқарли кечган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида ғолиблик Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирилик жамоасига насиб этди. Мусобақа ҳакамлари томонидан Адлия вазирилик жамоаси «Энг интизомли жамоа» номинацияси ғолиби деб эътироф этилди. «Энг шиддатли ҳужум уюштирадиган жамоа» номинациясига Республика Халқ таълими вазирилик спортчи аёллари лойиқ топилди.

Спартакиада якунида ғолиб ва совриндор жамоаларга совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Фикрдан фикр туғилади.

Тайинли иш қилмаган киши кўпроқ чарчайди.

Дикқат қилмасанг, эсда қолмайди.

Ҳар қандай ишнинг ортида ҳам кимнингдир манфати ётади.

Ҳаддидан ошган ўз обрўсини тўқади.

Миннатли ош юкмайди.

Ўз фойдасини билмаганнинг боши зиёндан чиқмайди.

Бошга тушмай кўз кўрмас.

Омонат бахтни куч билан тутиб қолиб бўлмайди.

Бировни бекордан бекорга овора қилиш бемаъниликдир.

Насихат қилиш осон, амал қилиш қийин.

Кўкракка уриб айтилган сўз кўпинча ёлғон бўлади.

Тушкунлик — умиднинг кушандаси.

Ўзига ишонмаган ҳеч нимага эришолмайди.

Ҳамма нарса унга қандай кўз билан қарашингга боғлиқ.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

